

Асримизнинг дастлабки йиллари АКШда содир этилган фожиалар хакида муфассал гапириб ўтирмасак ҳам, бу ҳақда дунёнинг барча аҳолиси жуда ишончпи маълумотларга эга. Шундай экан, келинг, биз бугунги кун кишиларининг бўлиб ўтган мазкур дахшатли ва халокатли воқеаларга нисбатан билдираётган ҳолисона фикрлари хусусида тўхталиб ўтайлик. Сўзимиз аввалида айтиб ўтмоқчимизки, АКШда 2001 йил 11 сентябр куни уюштирилган портлатишларда ҳалок бўлганларнинг 2007 йилги хотирлаш санасини бутун олам аҳли ишончсизлик, шубҳа ва гумонлар остида қаршилади. Ушбу хотира маросими муносабати билан намойиш этилган Усома бин Лодин видео тасвирлари, чиқишлари унинг олдин ҳам кўрсатиб ўтилган умумий эпизодларидан мутлақо фарқ қилмади. Бин Лодин жаноблари бу сафар ҳам экранда олти йил олдин амалга оширилган терактларга гўё ўзлари бош-кош бўлган киши сифатида «талкин этилди».

Бу манзаралар эса Америка ташки сиёсатини яна бир қарра оқпаш мақсадида қилингани шундоқкина сезилиб турарди. Нью-Йорк шаҳрининг «Жахон савдо маркази» биноларида-ги портлатишларда ҳалок бўлганларни ёд этиш кунида йигилганлар «Йирик аксилтеррорчилик компания»си ташкилотининг фаолиятини қўнгилдагидек деб баҳолашлари учун ҳам шундай йўл тутилгани яққол намоён бўлиб қолди. Барибир, халқаро ҳамжамият 11 сентябр воқеаларига оид билдирилган расмий маълумотларга тобора қўпроқ ишончсизлик билан қарамоқда. Бунинг натижасида, мазкур ҳолат уларда аччиқ рухий манзара қасб этувчи саволлар тўқилишига сабаб бўлаётир. Масалан: «Бин Лодин аслида ҳам борми? Бин Лодин исм-шарифли инсон, балки бу дунёда умуман йўқдир?» сингари галати-галати сўроқлар пайдо бўлаётганини ана шулар жумласига қиритиш мумкин.

Қўпроқ бошқарув доиралари руҳи ва қайфиятини ифодаловчи давлат тасарруфидаги оммавий ахборот воситалари (ОАВ) етти йил олдин бўлиб ўтган ушбу воқеаларнинг шов-шувга асос соладиган жихатларини кенгрок ёритмоқда. Яқинда расмий «Постскриптум» тахлилий кўрсатувлар дастури бин Лоден томонидан қилинаётган мурожаатлар ҳаққониймикан дея, бу ҳақдаги барча фикр-мулоҳазаларни чуқур шубҳа ва гумонлар гирдобига солиб қўйди.

Телебошловчи Алексей Пушкин эса уларни «Махсус хизмат» ходимлари эски видео ёзувлардан пайвандлаб (монтаж) олган деб очик-ошкор айтди. Шунингдек, у бу борадаги зўр фикр ва қарашларини тўлдириб ўтиш мақсадида, «Биринчи рақамли босқинчи» туркумидаги видеороликлар жаҳон ОАВда мазкур жараён Буш маъмуриятини қизиқтириб қолганидан кейингина тез-тез пайдо бўла бошлади, деган гапларни ҳам

кўшимча килади. Дастур муаллифлари 11 сентябр терактларига нисбатан Буш маъмурияти берган маълумотлар асл ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди кабилидаги гоёларни тобора илгари сурмоқдалар.

Пушков ўз сўзининг исботи сифатида Нью-Йорк воқеаларига бағишлаб чиқарилган навбатдаги китоб тақдироти хабарларини келтириб ўтади. «Ground ZERO»да бир канча таникли мутахассислар 11 сентябр фожиалари юзасидан келтириб ўтилган расмий маълумотларни дарҳол таҳлил этиб, юз берган воқеалар учун жавобгарликни Қўшма Штатлар зиммасига юклашган.

Мазкур фожианинг ўтган йилги хотирлаш маросими арафасида «Вести» ҳам 2001 йил воқеалари учун Жорж Буш маъмуриятини айбдор деб ҳисоблашини таъкидлаганди. Ўшанда «Алмашилган чака» («Разменная монета»)-номли ҳужжатли фильмнинг яратилиш тарихи ҳақидаги батафсил репортаж ҳам намойиш этилди. Унда юз берган Америка фожиалари ҳусусидаги расмий маълумотларнинг бирёклама таҳпил ва талкин этилгани ипидан-игнасиғача тўлиқ очиб ташланади. Мазкур ҳужжатли кино уч нафар Америка фуқароси томонидан арзонга-ов «ноутбук»да тайёрланган. Бу эса уни ишлаб чиққанларга атиги уч минг долларга тушган, холос. Бирок ушбу фильмнинг самарали таъсир доирасига эга бўлгани кишини хайратга солмай қолмайди. Уни томоша қилган шинавандаларнинг ўндан тўққиз нафари зум ўтмай, АКШнинг «Аксилтеррорчилик компания»си олиб борган фаолиятга нисбатан ўз қарашларини кескин ўзгартиради. Кино жаҳоннинг олти тилига таржима қилиниб, интернет саҳифалари орқали ҳам намойишга чиқарилган. Қиска вақт давомида уни дунёнинг миллионлаб кишилари қўришга ва қўчириб олишга муваффақ бўлишган.

Барча айтиб ўтганларимиздан та-шқари, профессор Дэвид Рей Гриффиннинг «Янги Перл-Харбор» деб номланувчи китоби ҳам катта шухрат қозонди. Унда юқоридаги масалалар қуйидаги тартибда қўндаланг қўйилади: «Бу қилмиши билан Америка, 2001 йил 11 сентябр воқеалари туфайли ўзининг улкан давлатчилик макомини мустаҳкамлаш мақсадида «бекиёс юриш» бошлаш учун ўз фуқароларига қарши, кишининг қалбига сирли ва мавҳум таҳдид соладиган ғайриинсоний мўъжизакор жиноятлар содир этмадимикан?» Ортда қолган олти йил давомида бутун дунё бўйлаб, 11 сентябр терактларига доир етказилган қўплаб анжуман, учрашув ва йигинларнинг ҳулосалари ҳамда экспертлар фикрларини обдон тинглаб қўриш сингари қатор тадбирлар уюштирилди. Уларнинг барча-барчасида АКШ йирик ҳажмдаги мазкур жиноятларнинг ташкилотчиси тариқасида баҳоланмоқда. Бу борада ҳатто Америка олимларининг жамоатчилик ташкилоти ҳам тузилган бўлиб, унда олти йил бурунги фожиалар тўғрисида билдирилган расмий ҳужжатларнинг тўғри ёки нотўғрилиги, аслида бор ҳақиқат нималардан иборат бўлгани қаби муаммоларга ечим топиш масалалари мунтазам равишда ўрганиб қорилмоқда.

11 сентябр воқеалари муносабати билан Буш маъмурияти ўзининг сак-киз йиллик бошқаруви давомида тутган мавқеига нисбатан жуда каттик қашатқич зарбага дуч келди. Чунки, маъмур масафаларни ўрганиш бўйича таркибини АКШнинг энг юқори малакали ва катта тажрибага эга бўлган 130 нафар инженер ҳамда архитекторларидан тузилган экспертлар гуруҳи олиб борган ўз текшируви ҳулосаларини оммага ошқор этди. Айти пайтда улар Калифорния штатининг Окланд шаҳрида-ги йирик концерт залларидан бирида йигилиб, ўз ҳулоса ва муносабатларини АКШ конгрессига маъқуллашти устида бош қотиришмоқда.

Ана шу нуфузли экспертлар гуруҳининг фикрларида таъкидланишича, Жахон савдо маркази жойлашган «эгизак» биноларнинг дахшатли равишда яқсон қилиниши «атайин уюштирилган». Расмий ҳужжатларда таъкидлангани қаби уларнинг портлатилиши ҳаво лайнерини гаровга олган террорчиларнинг иши эмас, балки иншоотлар динамит ва миносимон портловчи қурилмалар воситасида бомбардимон қилинган. Таҳлилчилар ишонарли далилу рақамлар асосида суратга олинган фотолар, видеотасмалар ҳамда қўп минг сонли гувоҳларнинг қўрсатмаларига таяниб, аниқ ҳулосалар чиқаришганига, нима дейиш мумкин?

Америка архитекторлар институтининг аъзоси Ричард Гейжнинг таъкид-лашича, АКШда «террористлар» томонидан содир этилган портлатишлар пайтида ҳамма бирдан саросимага тушиб қолган. Шу боис, шу вақтнинг ўзида юз берган воқеаларга нисбатан ҳолис баҳо бериб, уларни таҳлил этишнинг сира имқони бўлмаган.

«Ўша кезлари ҳаммамиз ҳам «эгизак» бинолар террорчиларнинг самолётлари орқали қумдон қилинди, деган афсоналарга қиппа-қин ишонганмиз. Ҳозир эса бу ишларнинг бари уюштирилган экани аниқ бўлғач, барчамиз қайратга тушаяпмиз. Энг саводсиз қишига ҳам маълумки, маъмур қараёнларни амалга ошириш учун мураккаб миқалаштириш тармоғига эга бўлиш талаб қилинади. Жахон савдо марказида маъжуд бўлган назорат ва ҳавфсизлик тизимини инобатга оладиган бўлсак, портлашларни шаҳсан террорчилар содир этганига ишониш жуда-жуда қийин. Шундай қилиб, қуйидаги дахшатли ҳулосани ясашга маъжбурмиз, яъни 2001 йил 11 сентябр қожиаси АКШ ҳуқумат доиралари таркибида «саҳналаш-тирилган» бўлиши мумкин».

Олимларнинг бундай қатъий фикрга қелиши қўпчилиқ орасида қат-та шов-шув қўтарди. Улар қелиб қи-қиши бетайин Усома бин Лодин-нинг аслида ҳақиқий бўлмаган ви-деомурожаати туфайли юзага қал-қиб қикқан сиёсий маълумотлар са-марасидан қўл

силтадилар. Бирок булардан ташкари, Кўшма Штатлар-нинг давлат идоралари томонидан такдим этилаётган далилларнинг бир-бирига номутаносиблиги, улар-нинг очикдан-очик ёлгон сўзлашаёт-гани аввал бошдан катормамла-катлардаги кўп сонли аҳолиси ўрта-сида талайгина муаммоли саволлар-Ни кўндаланг килиб кўйганди. Аммо, минг таассуфки, бу каби сўроқлар-га хапи-хамон тайинли жавоб топил-ганича йўқ. Дунё ахли 11 сентябр воқеаларига доир очик ва адолатли суд жараёнларини кўрмапти, лекин биз АКШ олиб бораётган «тер-роризмга карши кураш» сиёсати махсулини ҳар қадамда, жумладан,

Ирок, Афғонистон, Гуантанамо ва Марказий айгокчилик бошқармаси (ЦРУ)нинг махфий камокхоналари ҳамда бошқа жойларда ҳар куни кўриб, кузатиб турибмиз.

Шунинг учун айтиш мумкинки, жид-дий равишда ўтказилган мазкур иж-тимоий сўровлар давомида аниқланишича, бир йил олдин Манхеттенда содир этилган воқеалар юзасидан келтирилган расмий маълумот-ларга нисбатан 63 фоиз нью-йоркликларнинг ишонмагани оддий та-содиф эмас. Ўшанда бутун америкаликларнинг ярмидан кўпи Жорж Буш маъмуриятининг фожиалардан ол-динги, воқеалар содир бўлган пайтда ва ундан кейинги ҳар қандай фаолиятини АКШ Конгресси кўшимча равишда тафтиш этишини талаб қилганди. Чунки улар ўз ватандош-ларининг нимага ва нима учун кур-бон бўлгани тўғрисидаги ҳақиқатни билишни жуда-жуда хоҳлайдилар.

Энг охири марта ўтказилган «The New York Times» газетаси сўровномаларидан маълум бўлишича, америкаликларнинг тўртдан уч нафари айти пайтга қадар АКШ ҳукумати 11 сентябр воқеаларига доир ҳақиқатни яшираётганига заррача шубҳа қилмайди. Бундайлар сони 2006 йилдагига қараганда яна кескин ошиб кет-ган. Унда аҳолининг «атиғи» тенг ярми АКШга «Ал-Қоида» ҳужум қилди, деган мазмунда тарқатилган рас-мий ҳукуматхабарларига сира ишонмасликларини билдиришган эди.

11 сентябр фожиаларига нисбатан Буш маъмурияти эълон қилган расмий ҳужжатлар тўғрилигидан шубҳ-аланувчилар сони ер юзининг ўзга давлатлари ҳудудида бундан ҳам кўпрокни ташкил этади. Бугунги кунда бутунжаҳон ҳамжамияти «энг озод мамлакат» ҳукумати ўз халқи-га қарши уюштирилган жиноятларга шерик бўлмокда, деган фикрга тобора кўпроқ ургу бермокда.

Амалга оширилган портлатиш во-қеалари борасида тарқатилган расмий маълумотларни биринчи бўлиб ислом экспертлари, олимлари ва публицистлари инкор этиш-ган эди.

Ўшанда, яъни 2001 йилда бу маънодаги, аниқроқ айтадиган бўлсак, АКШ маъмуриятининг рўй берган фожиаларга муносабатини билдирувчи расмий хабарларни рад ёки инкор этиш учун кишидан нафакат мардлик, шу билан бирга, бекиёс одиллик ва улкан ватанпарварлик ҳам талаб килинарди. Негаки бу борада заррача гумонга борган ҳар қандай мамлакат вакилини Америка давлат идоралари ҳеч иккиланмай, террорчиларнинг шериги ёки уларнинг қурол-яроқ таъминотчиси, деб ҳисоблар, дарҳол таъкиб қилишга тушарди.

Холбуки, орадан беш-олти йил ўтибгина дунё аҳли мусулмонларнинг 2001 йил 11 сентябр воқеаси айбдорларига нисбатан билдирган ҳолисона фикрлари, муносабатлари ва ҳулосалари моҳиятини теранроқ тушуниб етди. Шу билан бирга, АК Шнинг «терроризмга қарши қураш» сиёсати замирида нималар ётганини ҳам англаб улгурди. Агар мазкур тушунишлар беш-олти йилдан кейин эмас, аксинча, шунча йил олдин англанида, балки юз минглаб тинч аҳолининг ёстиги қуришига олиб келган, миллионлаб кишиларни ватанидан жудо қилиб, қочқоқлик-қа, дарбадарликка маҳкум этган бутун минтақанинг тинчлик ва осойишталигига раҳна солаётган Ироқ можароларининг олди ўша пайтнинг ўзидаёқ олинган бўлармиди...

Рус тилидан Раҳмон ҚОДИР таржимаси